

## КАМБАҒАЛЛИК СИРТМОГИ ВА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ

*Абдулла Абдуқодиров*

*иқтисод фанлар номзоди, Ўзбекистон Президенти хузуридаги  
Стратегик ислоҳотлар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари*


Мамлакат бошқарувининг самараси жамиятнинг макроиқтисодий ривожланиш параметрларида юз бераётган ўзгаришларни вақтида пайқаш ва уларни негатив таъсирини камайтириш борасидаги жадалликка кўп жихатдан боғлиқ. Афсус-ки, 2019 йилнинг охири 2020 йилнинг бошларига келиб мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожланлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш соҳасида эришилган ютуқлар туфайли жамиятда бироз эйфория кайфиятлари юзага келган эди. 2019 йил натижалари ҳақида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан... - 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштириди... Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди”<sup>1</sup>, – деб таъкидланган эди. Саноатнинг 12 та тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликини кучайтириш дастурлари жадал амалга ошириш натижасида 2019 йилда ЯИМ ҳажми 5,6 фоизни ташкил этгани, саноат - 6,6 фоизга, экспорт ҳажми - 28 фоизга кўпайгани ва олтин-валюта захиралари 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард АҚШ доллари миқёсига етгани қайд этилган эди.

Иккинчи томондан эса, шу вақтгача ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг анъанавий экстенсив усуллари (ялпи ички даромад, саноат ва қишлоқ хўжалигини давлат ресурслари ҳисобига ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қурилиш ва бошқа локомотив соҳалар тараққиётини таъминлаш) кутилган натижалар бермаётгани кўзга ташланаётган эди. 2020 йил сўнгига келиб, **иқтисодий воқеълик ўзгарганининг** илк аломатлари пайдо бўла бошлади. Давлат инвестициялари ва харажатлари узлуксиз ошиб боришига қарамай, аҳолининг реал даромадлари, камбағаллик даражаси ва тадбиркорлик фаолиятида сезиларли позитив ўзгаришлар юз бермади. 2019 йил натижалари бўйича 18 млн меҳнатга лаёқатли доимий аҳолиси бўлган Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони атиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:  
<https://nrm.uz/content?doc=612868> о%E2%80%98zbekiston\_respublikasi\_presidenti\_shavkat\_mirzieevning\_oliy\_majlisiga\_murojaatnomasi\_(2020\_yil\_24\_yanvar)

323,5 тани ташкил этиб, йилига ўртача 32 мингтадан ортиқ корхона (10%) фаолият қўрсатмай, уларнинг ярми йил давомида фаолиятини тугатаётган эди.

### 1-графика



Кичик бизнес ҳажмининг меҳнатга яроқли аҳоли сонига нисбатан расман бундай паст даражада экани аҳолининг камбағаллик даражаси юқори экани ва яширин иқтисодиёт маълум сабабларга кўра авж олаётганига ишора беради. 2019 йилгача сурункали камайиб келаётган фаолият юритмайдиган кичик корхоналар ва кичик тадбиркорлик субъектлари (якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўз-ўзини банд қилувчилар) сони бу даврдан кейин кўпая бошлади (фискал солиқ ва монетар сиёсатлар таъсирида). 2023 йилга келиб фаолият кўрсатмайдиган корхоналар сони 35,1 мингтани ташкил этиб 2019 йилга нисбатан 2,26 марта ўси, фаолияти тутатилган корхоналар сони 24,1 мингтага этиб, 1,44 баробар кўпайди. Шу давр ичида аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 75% дан (2019 йил кўрсаткичи) 73,7% гача тушиб, амалда 2017 йилнинг даражасида қолди. Ишсизлик даражаси доимий аҳоли сонига нисбатан 2019 йилда 9% ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 0,1% га камайди, абсолют микдорда эса 213,2 кишига кўпайди. Меҳнат ресурслари сони таҳлил қилинаётган йилларда 3% га ўсиб, 19,52 млн кишини ташкил этган бўлса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши умумий аҳоли сонида камая бошлаб, 56,4 % дан 54,8% га тушди<sup>2</sup>. Яъни аҳолининг ички тузилишида 16 ёшгача болалар ва нафақа ёшидаги қариялар кўпая бошлади, кўпроқ давлатдан

<sup>2</sup> <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>

ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ ва камбағал қатлами улуши ўсиб бориши тенденцияси ҳам пайдо бўлди.

2019 йилнинг охирига келиб иқтисодий воқеъликда тектоник силжишлар бошланиб, улар ўта марказлашган ва автократик бошқарув усуллари, жумладан, қўлланилаётган макроиқтисодий услублар бирмунча самарасиз даражага етганини кўрсатди. Бу **янги ижтимоий-иқтисодий** воқеъликнинг тўртта кўриниши юзага чиқди:

- тез ўсиб бораётган доимий аҳолининг умумий сони;
- кўп фарзандли оиласалар улушининг ўсиши;
- камбағаллик миқёсининг ўсиши;
- аҳоли даромадлари соҳасида кучли сегрегациянинг пайдо бўлиши.

Бу омилларнинг ортга тортувчи таъсири йилдан-йилга ортиб борди ва Covid-19 шароитида ўз апогейига етди. Ҳатто давлат раҳбари даражасида камбағаллик тушунчаси расман тан олинди<sup>3</sup> ва унга қарши кураш давлат ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб қаралди. Бундай иқрорлик бошқарув тизими иқтисодий тараққиёт мазмунини, воқеълик моҳиятини тўла тасаввур қила оладими деган саволни актуал даражага кўтарди. Чунки 70-80 йилларда иқтисодий ривожланиш даражаси тезлашган мамлакатларнинг барчасида (Хитой, Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия) энг биринчи тўсиқ сифатида аҳолининг “камбағаллик сиртмоғи”га тортувчи факторлар тўплами мавжудлиги кўрсатилган эди. Айнан шу ҳолат 2020 йилга келиб камбағалликка қарши курашиш янги макроиқтисодий бошқарув приоритетлари мазмунига айланганининг сабаби эди.

2021 йил май ойи ҳолатига кўра, меҳнатга лаёқатли ресурслар сони 19,52 млн кишилини ташкил этган ҳолатда, 5 млн дан кам миқдорда аҳоли жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи тўлар эди. Муҳими шунда-ки, бу солик туридан тушадиган даромадларнинг 62,3 % ни ойига 2 млн сўмгача бўлган даромад олувчи ишловчилар ва 85,4% ни ойига 4 млн сўмгача даромад олувчилар тўлар эди<sup>4</sup>. Яъни жисмоний шахслар даромадидан олинадиган соликлар асосан кам даромадли ишчиларни энг кўп соликқа тортишга қаратилган эди. Қисқача хулоса қилганда “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёш тадбиркор”, “Тадбиркор аёл” каби дастурлар орқали янги тадбиркорлик хужай-раларини, инфраструктурасини яратиш ғояси ўзини оқламади ва камбағаллик даражасини маълум бир вақтга бирмунча туширишга эришилгани билан, камбағаллик сиртмоғидан аксарият аҳоли қатламини чиқаришга олиб келмади.

Биргина 2019 йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:  
<https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>4</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2021/07/14/personal-income-tax/>

кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди. Қишлоқ жойларда - 17 минг 100 та, шаҳарларда - 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арzon ва шинам уйлар қурилди<sup>5</sup>. Лекин юқорида таъкидланганидек, янги тадбиркорлар табакасини тузиш муаммоси турли аҳоли қатламларига меҳнат воситаларини тақдим этиш, молия имкониятлари яратиш билангина ҳал бўлмади. Янги тадбиркорлар қатлами юзага келмаганининг бир қанча назарий ва амалий асослари мавжуд эди.

Камбағаллик жуда оғир иллат. Агар мамлакатнинг бошқарув системаси камбағаллик гирдоби бу муаммосини ўз вақтида ҳал этмаса, муаммо турли метаморфозаларни бошидан кечиради:

- a) инсон капиталининг сифати кескин тушиб кетади ва бир кунлик умри билан яшайдиган инсонлар ҳеч қачон жамият келжаги борасида ҳеч бир бошқа гурухлар билан келиша олмайди, ҳаммага нисбатан ва барча ғояларга оппозицияда бўлади;
- b) унинг ўз-ўзини такроран тиклаш хусусияти кучайиб, жамиятнинг барча аъзоларига нотўғри нисбий индикатор сифатида ҳизмат қиласи, яъни бошқалар шу қашшоқлик сиртмоғида бўлмаганидан шукур қилиб, альтернатив фикрлашга ҳам қодир бўлмай қолади;
- c) қашшоқлик қадриятлар ва орият категорияси сифатидан чиқиб, фақатгина иқтисодий категорияга айнланади ва бойлик орттиришнинг барча йўллари легитим деб қаралиши, “камбағаллик айб эмас” деган ёлғон тезислар кучайишига сабаб бўлиши мумкин;
- d) қашшоқлик фақатгина давлат сиёсати маҳсули деб қаралиб, бутун жамият, ва биринчи навбатда унинг гирдобига кирган конкрет шахс ва оиланинг шароитлари, сабаб ва оқибат занжирлари, аниқ чоралар эътибордан четда қолиши мумкин;
- e) ва ниҳоят, бу сиртмоқдан чиқа олмаган халқнинг катта қисми миграция қилиш ва туғиши камайтириш, яъни мамлакатни энг зарур ресурслардан маҳрум қилиш, (демак-ки, келажакда тўлақони давлатчиликни йўқотиш ҳавфини туғдириш) йўли билан бу иллатга жавоб беради.

Кейнсчилик назариясига ҳаддан ташқари берилиш яхши оқибатларга олиб келмади. Кейнсчиликнинг энг муҳим элементларидан бири – умумий бандликни таъминлашнинг имкони, зарурати йўқлиги ва жамиятнинг баъзи қатламларида “ихтиёрий бандлизм танлови” бўлиши мумкинлигига эди. Бу

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси:

[https://nrm.uz/contentf?doc=612868\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_presidenti\\_shavkat\\_mirzieevning\\_oliy\\_majlisga\\_murojaatnomasi\\_\(2020\\_yil\\_24\\_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_presidenti_shavkat_mirzieevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar))

ихтиёрий бандсизлик жамиятнинг маълум қисмида минимал даражада яшаш имкониятлари билан қаноатланиш психологиясидан келиб чиқади. Иккинчи томондан Кейнс ЯИМни иқтисодий банд бўлган жамият аъзоларининг ўртача оғирликка эга бўлган меҳнатига иш ҳақининг йифиндиси деб қабул қилган. Яъни иқтисодий банд бўлган аҳоли ва ўртача иш ҳақи – бу ёлланма меҳнат белгилари. Жамият ривожланиб борган сари, ўз-ўзини банд қилувчи ва минимал ҳаётий эҳтиёжларни қондиргач, маълум маънода ижтимоий-иқтисодий эркинликка интилевчи қатламлар кўпайиб боради. Албатта, Кейнс таълимотининг иқтисодиётни бошқаришдаги энг керакли қисми, бизнинг фикримизча, “энг самарали бандлик” тушунчаси орқали давлатнинг фискал ва инвестиция сиёсати қандай бўлиши кераклигига назарий асос<sup>6</sup> яратиб беради. Лекин энг самарали (оптимал) бандлик тушунчаси бу давлатнинг жамиятга қараш нуқтаси. Жамиятнинг нуқтаи-назаридан эса оптимал бандлик баъзи қатламлар учун ижтимоий-иқтисодий эркинликка шароит берувчи бандлик. Турли фавқулодда юз берадиган ҳодисалар жамиятда мажбурий ишсизлик ва мажбурий фаолиятдан воз кечиш (масалан, Covid-19 вақтидаги карантин) ҳолати юзага келишини ва бу ҳолатда мамлакат (жамият) фақат ўзининг ички резервлари (жамғармалари, жумладан, озиқ-овқат ва дори-дармон) ва халқаро ҳамжамиятдан келувчи ёрдамгагина муҳтож бўлиб қолишини кўрсатди. Бундай ҳолат бир неча, ҳатто йиллар давомида юз бериши эса Кейнс назарияси барча ҳолатлар учун ҳам универсал бўлмаслигииини кўрсатди.

Иккинчи томондан, Кейнс назариясига кўра, ҳар қандай тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил қилишда бўлажак маҳсулотнинг таннархи ва умумий сотувлар ҳажмини биринчи навбатда ҳисобга олади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, қандай иш асбоблари олиниши ва қанча ва қандай сифатли ишчи кучи жалб қилиниши ҳақида холосага келади. Лекин бу ерда режалаштириш горизонти деган муҳим омил бор: режалаштириш қанча кўп даврни қамраб олса, шунча кўпроқ капитал маблағлар ишлаб чиқариш воситалари учун керак бўлади. Ва бу ўринда бу ишлаб чиқариш воситалари янги олинади-ми, ёки боридан фойдаланилади-ми, жуда катта аҳамиятга эга. Чунки тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил қилишда энг биринчи зарур бўлган бўлган капитал маблағлар миқдорига жуда катта эътибор беради. Назарияга кўра ишлаб чиқариш воситаларига сарфлар аввалроқ бўлган бўлса (яъни мамлакат заҳира-ларида ёки тадбиркорлар ихтиёрида эскирган, лекин ҳанузгача тўла ишга яроқ асосий воситалар бўлса), бу ҳолат ишлаб чиқаришни янгитдан ташкил қилишга кўпроқ позитив таъсир қиласи<sup>7</sup>. Лекин бу соҳада ҳам, давлат ташаббуси билан

<sup>6</sup> Keynes: The General Theory of employment, interest and money:

<https://www.marxists.org/reference/subject/economics/keynes/general-theory/ch03.htm>, Chapter 3.

<sup>7</sup> Keynes: The General Theory of employment, interest and money:

<https://www.marxists.org/reference/subject/economics/keynes/general-theory/ch03.htm>, Chapter 6.

амалга оширилган лойиҳаларда янги тадбиркорлар табақаларида на асосий воситалар, на ишлаб чиқариш горизонтини англаш, унга қараб маълум фаолият режасини тузиш мажбурияти бор эди.

Covid-19 шароитида аниқланди-ки, турли фавқулодда юз берадиган ходисалар фонида заҳирада кам қийматга эга бўлган воситалар бирданига бутун дунёда талаб этилган воситаларга айланса, уларнинг нархи айни дамдаги **максимал тўлов қобилияти** даражасида юзага келадиган нархлар паритетига кўтарилиши ва маҳсулотнинг таннархи ва умумий сотувлар ҳажмини бозордаги нархлар паритетига алоқаси бўлмай қолади. Яъни сўров ажиотаж ҳолига етиб, гап инсонлар ҳаётини сақлаш ҳақида кетгандা, ҳеч ким на асосий воситалар, на ҳом-ашёларнинг тарихий нархларига қараб ўтирумайди. Кимда тўлов қобилияти бўлса, ўша керакли маҳсулотни аномал нархда сотиб олди. Инсон хаёти ва унинг эҳтиёжлари ҳажми эса “аввалдан сарф қилинган” категорияда ишламайди ва уларни ҳар сафар бозорда бор имкони қадар, тўла микдорда “сотиб олиш керак”. Бу ерда ҳам режалаштириш имконияти меҳнат ресурслари сифати (малакаси, меҳнатга қобиллиги) ва уларни сурункали кенгайтирилган тақорорий ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг имкониятлари даражасига боғлиқ. Бир томондан малакали меҳнат ресурслари бозорда бўлган тақдирда ҳам, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш имкониятлари чекланган бўлиши, иккинчи томондан, - ишчи кучининг сифати энди нафақат унинг малакаси, балки унинг иш фаолияти давомида ишдан қолдирувчи омилларга (масалан, касалликка) чалинмаслиги эҳтимоли даражаси билан белгилаб қўйди (кейинги бўлимда бу феномен бафуржа кўрсатилган). Оддий ҳолларда меҳнат ресурслари нисбий тўла бандлик (яъни ишлаб чиқариш ва кенгайтирилган тақорорий ишлаб чиқариш талаблари тўла қондирилган) ва ихтиёрий танланган қисман бандлик (аҳоли минимал даромадлар билан қаноатланиб, ўз-ўзини чеклаган) ҳолларида ўзларини бутунлай бошқача тутадилар. Лекин фавқулодда ҳоллар меҳнатга имконияти борларнинг барчасини меҳнатга (минимал бўлсада, - даромад манбаига) зор қилиб, аҳолининг катта қисмини ана шу меҳнат натижалари билан бўлишишига умидвор қилиб қўяди, яъни меҳр-шавқатга муҳтожлик туғдиради. 2020 йилнинг бошига келиб, 35 млнлик аҳолидан 13,5 миллиони меҳнат бозорида банд бўлган, улардан 7,8 миллионтаси норасмий секторда, шу жумладан, 2,6 млн. киши меҳнат мигранти ҳисобланар эди<sup>8</sup>.

Юқоридаги сабабларга кўра, бир томондан қисман бандликнинг кучайиши (ҳатто унинг сабаблари қандай бўлишидан қатъий назар), иккинчи томондан жамият томонидан яратилга неъматларниadolатли тақсимотига зор бўлганлар (вақтинча ишсиз, ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож) сонининг кўпайиши камбағалликни туғдирувчи ва унинг кенгайишига озуқа берувчи фактори


<sup>8</sup> Ўзбекистон статистика Ҷумитаси маълумотлари: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>

бўлди. Бу кичик чекланишимиздан мақсад шу эди-ку, давлат тадбиркорликни ривожлантириб, камбағалликни қисқартиришга ҳаракат қилишни истаса, янги (постковид) шароитда илгаригидек “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёш тадбиркор”, “Тадбиркор аёл” каби ижтимоий лойиҳалар билан янги тадбиркорлар синфини яратишга интилиши эмас, балки фаолият юритиб турган мавжуд тадбиркорларни кўпроқ қўллаб-қувватлаши керак эди. Чунки камбағални бу ҳолдан чиқариш учун унга ишлаб чиқариш воситалари ва дастлабки айланма маблағларини бериш кифоя қилмайди, бу тадбир умуман иш бермаслиги мумкин. Бу ўринда тадбиркорлик шижаоти, даромад берувчи фаолият юритиш фояси, тадбиркорлик кўникмаларнинг роли бирмунча катта ва булар моддий категориялар эмас.

Ўзбекистоннинг демографик шароитида юзага келган тенденциялар ҳам янги воқеъликни юзага келтириб, иқтисодий сиёсатга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Жамиятда 20-29 ёшли ёшларнинг улуши доимий умумий аҳоли сонида камайиб бормоқда<sup>9</sup> ва “Прогноз маълумотларига қараганда, 2030 йилга бориб 24-29 ва 30-34 ёш гуруҳларидаги аҳоли сонининг камайиши кутилади”. Аммо “аёллар сонининг эркаклар сонидан ортиқчалиги 35-40 ёшдан катта барча ёш гуруҳларида қайд этилмоқда”<sup>10</sup>.

*I-диаграмма*

### Умумий уй хўжаликлари аъзолари сони бўйича 2023 йил натижалари бўйича аҳоли таркиби<sup>11</sup>



<sup>9</sup> Х.Х.Абдурахмонов: “Оиланинг демографик ривожланиш тенденцияларини баҳолаш”:

[https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/2\\_Abduramanov.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/2_Abduramanov.pdf), 3-бет

<sup>10</sup> Ўша ерда, 7-бет

<sup>11</sup> Қаранг: <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/6809-o-zbekiston-respublikasi-uy-xo-jaliklarining-a-zolari-soni-bo-yicha-tarkibi>

Натижада, бир ҳисобдан, эркакларнинг ўртача умри аёлларга нисбатан камроқлиги фонида бир нечта фарзандларни бир ўзи катта қилаётган аёлларнинг улуши ортиб бораётган бўлса (айниқса, туғилиш коэффициенти Ўзбекистон бўйича ҳар минг кишига 21 тадан ортиқ эканини инобатга олинса), иккинчи ҳисобдан Ўзбекистонда уй хўжаликлари аъзолари сони кўрсаткичига эътибор берсак, 6,1 млн умумий уй хўжаликлари сони ичида 5 кишидан иборат бўлган хўжаликлар улуши 23,3%, олти ва ундан кўп кишилик бўлган хўжаликлар улуши 38,6% ни ташкил этади.

Даромади даражаси сифатидан камбағал деб таснифланган оилада хар сафар янги боланинг туғилиши давлатнинг маҳсус кўмагисиз камбағаллик сиртмоғининг кучлироқ тортилишига олиб келади. Камбағал оилаларда болалар оддий турмуш комфортини белгиловчи (уй жихозлари, уй меҳнатини енгиллаштирувчи) воситаларга етарли эга бўлмайдилар ва уларнинг аксарияти ўзларининг ота-оналари томонидан сингдирилган камбағал турмуш “оддий қадриятлари” билан чекланиб ўсадилар, билимларни ўзлаштиришга қаттиқ интилмай, ўқув қобилияти бошқаларга нисбатан бирмунча паст бўлади. Кўп ҳолларда улар мактабни 14-15 ёшида ташлаб меҳнат қилишга ва оиласа даромад келтиришга ҳаракат қиласалар. Боз устига бундай оилаларнинг аксариятида ташқи ва тасодифий омилларнинг, масалан, барвақт боқувчилардан маҳрум бўлиш, турли офатлар туфайли мулқдан маҳрум бўлиш, ўйламай қилинган харажатлар туфайли қарз гирдобига тушиш каби ҳолларнинг кўп учраб туриши барча соҳа мутахассислари ва изланувчилар томонидан эътироф этилган. Оиласа ногирон бола туғилган ҳолларда эса оила аъзоларидан бирига иш таклиф қилиш чораси ҳам натижа бермайдиган ҳолат бўлиши мумкин. Бундай оилалар ўзининг кучи билан бу шароитдан чиқиб кета олмайди ва албатта давлатнинг ёрдамига муҳтож. Аҳоли сони ортган сари, бундай қўмакка муҳтож қатламлар ҳам ортиб боради ва иқтисодий ривожланишининг янги чақириқларига айланади. Бу тезиснинг исботини қуидаги динамикада кўришимиз мумкин: 2017 йил натижаларига кўра Ўзбекистонда камбағал деб тан олинган аҳолининг улуши умумий аҳоли сонининг 11,9 фоизини ташкил этган (3,82 млн киши) бўлса<sup>12</sup>, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 11,0% га (3,96 млн.киши) тушди,<sup>13</sup> ёки абсолют микдорда 0,14 млн кишига кўпайди.

Аввалига камбағалликка қарши курашишда жаҳон тажрибасини ўрганиб, унинг энг самарали элементларини Ўзбекистонда жалб этиш зарурати ва имконияти деб қаралган муаммо тез орада бунчалик ойдин ёндашувнинг имкони йўқлигини исботлади. Камбағаллик даражасининг ўсиши жамиятдаги

<sup>12</sup> <https://www.cer.uz/en/post/publication/kak-uzbekistan-planiruet-sokrasat-dolu-bednogo-naselenia-mnenie-ekspertov>

<sup>13</sup> [https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx\\_data\\_1737.xlsx](https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_1737.xlsx). Янгироқ маълумотлар эълон қилинмаган.

тадбиркорлик мұхитини яратиш ва бошқариш соҳасида катта муаммолар борлигидан дарап берди. Жамиятда қанча қўп камбағаллик бўлса, шунча ишлаб чиқарувчи кучлари унумдорлиги тушиб бораверади, умумий талаб камайиб боради. Жамият учун унум берувчи аъзолар сони деярли ўзгаришсиз қолганда, ёки улар сонининг ўсиш суръатлари камбағаллар сонининг ўсиш суръатларидан пастроқ бўлса, у яратган моддий бойликка “шерик” бўлувчилар сони борган сари ортаверади. Ва аксинча, - ҳар бир ишлаб чиқарувчининг меҳнат унумдорлиги (моддий бойликларни яратиш потенциали) ортган сари жамият меҳнатга лаёқати бўлмаган, ёки вақтинча меҳнатга жалб қилинмаган аъзоларига кўпроқ ёрдам беришга қодир бўлади. Айнан шунинг учун барча мамлакатларнинг камбағалчиликка қарши курашнинг энг универсал усули иқтисодиётнингг ўсиш суръатларинии ва самарадорлигини ошириб, жамиятнинг имкониятларини (иқтисодий ва ижтимоий) кенгайтиришга қаратилган.

Камбағалликка қарши кураш ташкилий модели мамлакатимизда асосан 4 йўналишда олиб борилди:

- “камбағал” категориясига кирувчи турли аҳоли қатламлари ичидағи ёрдамга мухтоҷ инсонларни аниқлаш (БМТнинг бир кунлик истеъмол қийматининг пуллик нормаси асосида) ва уларга марказлаштирилган, тизимли ва сурункали давлат нафақаларини тўлаб бориш. Бунда гендер фарқи ва ёшлар масалаларига алоҳида эътибор билан қарап;
- ижтимоий ёрдамга мухтоҷ деб топилган аҳоли қатламларини турли тадбиркорлар томонидан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларга жалб қилиб, уларни даромад топишларига ёрдам бериш;
- давлатнинг марказлаштирилган жамғармалари, қисман давлатнинг мулкий тасаррӯфига бўлган банкларнинг ёрдамида ижтимоий ёрдамга мухтоҷ аҳоли қатламларига майда тадбиркорлик лойиҳаларини тавсия қилиб, боғланғич капиталини (ишлаб чиқариш воситалари ва ҳом-ашё олиш учун) имтиёзли ва қўп йиллик кредитлар ёрдамида дастлабки тадбиркорлик фаолиятига туртки бериш;
- камбағалликка қарши кураш бўйича J-PAL глобал ташабуси, БМТ, БМТТД, Жаҳон банки, UNISEF, ADB, GIZ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлик қилиш ва бу борада икки томонлама ва кўп томонлама лойиҳаларни Ўзбекистонда амалга ошириш.

Энг биринчи приоритет бу - аҳолининг ижтимоий ҳомияга мухтоҷ қатламишининг манзилли, яъни исмлари, шароити ва сабаби аниқланган маълумотлар базаларини яратиш бўлди. 2021-йилдан бошлаб кам таъминланганларни “Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри” ахборот тизимиға киритиш ва ҳар ойда бу базани жонли интервьюлар асосида янгилаб бориш механизми жорий этилган. Натижада, “2017-йилда 500 минг нафар кам таъминланган оиласига ижтимоий ёрдам кўрсатилган бўлса, бугунги кунда ушбу

кўрсаткич 2,2 миллиондан зиёдни ташкил қўлмоқда. Ажратилаётган маблағлар ҳажми етти баравар оширилиб, йилига 13 триллион сўм (1,1 миллиард доллар)га етди”<sup>14</sup>. 2023 йилнинг ўзида 810 минг ишчи ўринларини мамлакат бўйлаб тиклаш, янги 310 минг кишига teng доимий ва 633 мингга teng мавсумий ишчи ўринларини яратиш кўзда тутилган эди. Биргина ўз-ўзини банд қилиш категориясига кирувчи меҳнат соҳалари рўйхатини кенгайтириш (24 тадан 67 гача фаолият турларига) ҳисобига яна 100 мингдан ортиқ ишчиларни расмий меҳнат бозорига жалб этиш назарда тутилганди. Лекин бу кўрсаткичларга амалиётда эришилмади.

2018-2022 йиллар давомида маҳаллабай текширишлар натижасида 540 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар реестри тузилган ва уларга давлат томонидан 306,8 млрд сўмлик тўғридан-тўғри моддий ёрдам берилган. 37,7 минг ишсиз юрган кишиларга доимий иш, 93,2 минг кишига мавсумий иш топиб берилган, 7,2 минг кишига эса қишлоқ хўжалигида ижарага ер ажрабиб берилиб, меҳнати ҳисобига даромад олиш имконияти яратиб берилган. Кам таъминланган оилаларга 110,1 млрд.сўм миқдорга teng озиқ-овқат маҳсулотлари ва 544,5 млн.сўмга teng дори -дармон воситалари ҳамда 14,8 млрд.сўмга уй моллари сотиб олишга, 2,4 млрд.сўмга teng миқдорда уй паррандалари сотиб олишга банклардан узоқ муддатли ва кам фоизлик кредитлар ажратиб берилган<sup>15</sup>.

Камбағалликка қарши қурашиш мамлакат иқтисодий сиёатининг янги воқеълиги бўлишига қарамай, бу сиёсатни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар баъзи ҳолларда бутунлай тескари натижаларга олиб келди. Энг катта муаммо камбағалликка қарши қурашишда давлатнинг стратегияси яхлит бир дастур сифатида ишлаб чиқилмаган бўлиб, бу сиёсат турли ижрошиларга – вазирлик ва хокимиятлар “вазирлик – худуд/вилоят – район - маҳалла” вертикалига масъулият тарзида юқлатилган ишлар рўйхати эди. Камбағал ва давлат томонидан ёрдамга муҳтоҷ кишилар, оилалар дастлабки рўйхати (амалиётда “қора дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” каби) маҳалла томонидан тузилиб, район хокимиятига тавсиф этилар, улар ўз навбатида вилоят рўйхатларини умумлаштириб, вазирликларга тасарруф қилишар эди. Вазирлик хукumat томонидан турли лойиҳаларга ажратилиши керак бўлган

<sup>14</sup> Қаранг: <https://gov.uz/uz/bv/news/view/1599/>

<sup>15</sup> Қаранг: Қандай қилиб Ўзбекистон камбағалликка қарши қурашмоқчи:

<https://www.cer.uz/en/post/publication/kak-uzbekistan-planiruet-sokrasat-dolu-bednogo-naselenia-mnenie-ekspertov>

бўлган молиявий маблағлар ҳажмини турли йўналишлар бўйича ташкил этиб (тўғридан-тўғри моддий ёрдам бериш, доимий ёки мавсумий иш топиб бериш, янги ишчи ўринларини яратиш, қишлоқ хўжалигида ижарага ер майдонларини ажратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари, ҳамда уй моллари, паррандалар сотиб олишга, банклардан кредитлар ажратиб бериш), бу ишларни молиялаштириш ва қайта тақфисмлаш механизмларини белгилаб, Вазирлар Маҳкамасининг йиллик ва чораклик дастурларига киритар эдилар. Кредит олмасликка қарор қилган оилалар ва кишиларга кредитлар маълум бир маъмурий тазийк ортида берилган ҳоллар ҳам кам бўлмаган.

Юқоридаги ҳолатдан хосил - камбағалликка қарши курашнинг асосий маъноси уни келтириб чиқарувчи муҳим омиллар, тармоқлар ва шароитларга қарши қаратилмай, турли “давлат хайрия дастурлари” кампаниясига айланди. Бутун қилинган ишларнинг моҳияти камбағаллик тоифасига киритиладиган жамият аъзоларини аниқлаш ва уларга давлат томонидан берилиши мумкин бўлган ёрдамни белгилаш ва уни етказиб беришга бориб тақалди. Бундай ёндашув кўп ҳолларда турли аҳоли қатламлари ўртасида текинхўрлик кайфиятларининг юз келишига, камбағалликдан чиқишига ҳаракат қилаётганларнинг фақатгина давлат қарамоғига ўтиб олганларни кўриб, ўзлари учун ҳаракат қилишга мотивациясини тушиб кетишига олиб келди. Психологияда бу “тескари проекция” деб аталган ҳолат бўлиб, фуқаролар ўзларининг моддий ҳолатини тузатишга интилиш ўрнига, уларда “ички ҳимоя инстинктлари” давлатнинг камбағалликка қарши ҳаракатларини ўзларинининг шахсий статусига қарши ҳаракат ҳам деб қабул қилдилар. Оқибатда баъзиларда паразитлик туйғулари ривожланган бўлса, баъзиларида очикдан-очиғқ муттаҳамлик, олинган кредитларни қайтармаслик, бутунлай бошқа шахсий самарасиз истеъмолга ишлатиш (масалан, тўй-хашам, ҳозирги ҳолатида ортиқ бўлган кераксиз қурилишлар қилиш) ҳоллари кўпайди.

Хитой ва бошқа Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Америка давлатларининг умумдавлат иқтисодий потенциалини оширишга қаратилган яхлит инклузив сиёsat яратиш ва юритиш ўрнига Ўзбекистонда бир-бири билан мантиқан боғланмаган, ўзаро қилаётган ишининг сифатини аниқлаб бўлмайдиган, турли алоқаси бўлмаган ижрочилар қўлига топширилган амаллар, масъулиятлар тўпламини ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилдик. Оқибатда жойларда бу кураш моҳияти ким қандай тушунса, шундай талқин қилинишигача этиб борди. Давлат томонидан кўпроқ мавжуд тадбиркорларни қўллаб, улар яратган ижтимоий қийматни инклузив фискал сиёsat негизида ёрдамга муҳтоҷ кишилар манфаатига қайта тақсимлаш умуман тадбиркорликдан хабари бўлмаган, тадбиркорликка мойиллиги бўлмаган аҳоли қатламларини тадбиркорликка тортишга уринишдан қўра самаралироқ бўлар эди.

Камбағалликка қарши курашиш учун давлат томонидан ажратилган маблағларнинг аксарияти “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёш тадбиркор”, арzon ипотека кредитларини таъминлаш каби лойиҳалар негизида тижорат банклари орқали халққа тарқатилди. Банклар аксарият ҳолларда маҳаллалар рўйхатлари асосида маҳаллий хокимиятлар тасдиқлаган рўйхатлар бўйича жуда катта миқдордаги кредит ресурсларини оиланинг хақиқий шароити ва кредитни қайтариш имкониятини етарли ўрганмай, ҳеч қандай гаровсиз, маъмурий тазийк остида тарқатиб бердилар. Натижада бу кредит ресурслари бўйича тез орада нафақат фоизлар, балки асосий суммаларни қайтариб олишнинг ҳам ҳеч қандай имконияти йўқлиги аниқланди. Давлат ижтимоий лойиҳаларида иштирок этган кўпгина давлат тижорат банкларида “фойда олинмайдиган кредитлар” (non performing loans) даражаси умумий кредитлар ҳажмининг 0,5 фоизидан 7 фоизгacha кўтарилиб кетди. Агар бу банклар Марказий банкнинг кредитлар классификацияси талабларига тўла риоя қилиб, шубҳали кредитлар бўйича тегишли резерв жамғармаларини ташкил қиласалар, кўпчилиги мутлақо камомадларни эълон қилган бўлар эдилар.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланиш даврида давлатнинг ислоҳотлар кун тартибини белгилаш ва уларни амалга оширишда етакчилик ролини асослаб берган биргина иқтисодий тараққиёт назариясини, - айнан “Янги Кейнсчилик”ни тарихий даврда ягона тўғри келувчи қўлланма деб қараш бизнинг иқтисодиётимиз тараққиётида қатор ҳатоларга олиб келди. Бу ҳатоларнинг келиб чиқиши ва ўз вақтида англанилмаганинг асосий сабаби - мамлакатда қўпгина бошқа соҳалар каби иқтисодий ислоҳотларни моҳияти ва самарасини муҳокама қилиб, ҳар бир ғояни салбий ва ижобий оқибатларини олдиндан назарий ва амалий экспертиза қилиш борасида етарли институтлар тузилмаганлиги ва борлари ўртасида рақобат ва мулоқат йўқлигидадир. Давлатнинг турли илмий текшириш ва академик иқтисодий марказлари кўтарган масалалар ва ғоялар хукумат органлари томонидан керакли эътибор билан ўрганиб чиқилмади, ғоялар фрагментар қўлланилиб, улар яхлит бир мантиқли концепцияга айлантирилмади. Амалда ғоялар бир-бири билан антогонизмга киришди (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат маблағларини иқтисодиётга қўп миқдорларда киритиш хисобига юмшоқ стимуллаштириш модели ва Марказий банкнинг инфляцияни таргетлаштириш – мақсадли режалаштириш харакатлари ўртасидаги қарама-қаршилик каби) ва бозор қатнашчилари хукумат институтларидан турли мазмундаги сигналлар ва чекланишлар олиб, охири фақат ўзлари билган модель доирасида ўралашиб қолдилар. 2020 йил бошида юзага келган фавқулодда ҳодиса – Covid-19 пандемияси, унинг тарқалишини олдини олиш ва иқтисодиётни янги воқеъликка мослаштириш қийинчиликлари янги Кейнсианчилик ёндашувининг **аянчли оқибатларини** янада чуқурлаштируди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Commons J. R. (1997). The Problem of Correlating Law, Economics and Ethics // Samuels W. J., Rutherford M. (Eds.). Selected Essays of J. R. Commons. London: Routledge.
2. Eggertsson T. (1990). Economic Behavior and Institutions. Cambridge University press.
3. Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти. Миллий қадриятларга асосланган иқтисодиёт: негизлар ва фаровонлик уйғунлигининг эмпирик таҳлили. Т.: 2023. 46 б.
4. Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистан 2015/под общ. ред. Г. Сайдовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015. - 100 с.
5. Б.Хамидов: Профиль бедности в Узбекистане.  
<https://review.uz/ru/post/profil-bednosti-v-uzbekistane?>